

Шарҳ: Ҳар бир киши ўз насабини, ота-боболари ва қариндош-уруғлари ким бўлганини ўрганиши лозим. Бу илм қариндошлик алоқаларини боғлаш ва мустаҳкамлашда керак бўлади. Бир одам билан билмасдан орада кўнгилсиз гап ёки нохуш иш бўлиши мумкин. Агар насабини билса, (қариндош бўлиши эҳтимол) ҳалиги нарсаларнинг олди олиниши мумкин. Қариндошлигини билса, у билан айтишмаслиги ёки жанжал қилмаслиги турган гап.

Силаи раҳм шу даражадаги нозик нарса. Шунинг учун қавму қариндошлар бир-бирларини яхши таниш ҳаракатида бўлишлари керак экан.

مُكْرَمًا رَأً اُولَابَ «مَلَسَو. وَيَلَعُ هَل لَّ ا لَّ ص. هَل لَّ ا لَّ وُسَرَل لَاق: لَاق رَمَاع. نَب. دِي وُسُ نَع
مَالَس لَاب وَلَو.

Сувайд ибн Омирдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раҳмларингизни салом билан бўлса ҳам, ҳўллаб туринглар», дедилар».

Шарҳ: Мўмин-мусулмон бандалар қариндошлик алоқаларини, ҳеч бўлмаганда бир-бирларига салом бериш билан бўлса ҳам, боғлаб туришлари лозим.

Берадиган нарсангиз йўқ, яхшилик қилишга имконингиз йўқ, фақат қўлингиздан келадиган нарса – салом бериб қўйиш. Шунини бўлса ҳам қилиб, қариндошлик алоқаларини боғлаб туринг.

Менда қариндошга берадиган ҳадя йўқ, унинг зиёратига боролмайман, унга бирор нарса беролмайман, қўлим қуруқ бораманми, деган гап бўлмасин. Салом беришга қодирмисиз, шунини қилиб бўлса ҳам силаи раҳмни боғлаб туриш керак.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.